

## ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТИ

### Давлат тест маркази вилоятдаги бўлимлари коррупцияга қарши

#### Наманган вилояти бўлимида

2019 йил 28 июль куни 2019/2020 кириш тест синовлари учун вилоятдаги ОТМлар ва Наманган шаҳар ХТБсидан назоратчи сифатида жалб этилган жами 370 нафар раҳбар ва педагог ходимларга ўқув-семинар машғулоти ўтказилди. Семинар давомида ДТМ вакили Қ.Юсупов, ДТМ Наманган вилояти бўлими бошлиғи Б.Абдулҳафизовлар томонидан тест синовларида гуруҳ назоратчиси сифатида жалб қилинган раҳбар ва педагог ходимларга тест синовлари жараёнида уларнинг ҳар бир эътиборсизлиги оқибатида коррупцияга йўл очилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди. Ходимлар томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги

Қонун, коррупциянинг маъноси, тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари, Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексининг тегишли моддалари, гуруҳ назоратчилари учун хизмат вазифаларини бажариш чоғида ноқонуний хати-ҳаракатлар оқибатида келиб чиқадиган қонун бузилишлари, хизмат вазифасидан фойдаланиб ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар келтириб чиқарадиган оқибатлар тўғрисида, жазо чоралари муқарарлиги ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.



Учрашув жараёни

#### Ушбу сонда:

Бўлимлар фаолияти	2
Бўлимлар фаолияти	2
Бўлимлар фаолияти	2
Бўлимлар фаолияти	3
Бўлимлар фаолияти	3
Бўлимлар фаолияти	3
Хорижда	4

#### Эътиборингизни қаратинг!!!

•2018/2019 ўқув йили учун ОТМ кириш учун ташкил этилган тест синовларини қандай баҳолайсиз?

Яхши—51.04%

Кониқарли—27.99%

Кониқарсиз—20.97%

• ДТМ фаолиятини қандай баҳолайсиз?

Яхши—45.1%

Кониқарли—29.64%

Кониқарсиз—25.26%

ДТМ сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

#### Коррупция - сифатли таълимнинг қушандаси

2019 йил 24 май куни Давлат тест марказининг Жиззах вилояти бўлими ходимлари томонидан Жиззах шаҳар ХТБ га қарашли мактабларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун коррупция ва унинг оқибатларига бағишланган давра

суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатида Жиззах шаҳридаги мактабларнинг 20 нафар ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этди.



Давра суҳбати



## Биз коррупцияга йўқ деймиз!

2019 йил 22-24 май кунлари Наманган шаҳридаги 5-, 6-, 7-, 11-, 33-, 48-, 49, 52- ва 58- умумтаълим мактаблари битирувчилар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизimini такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4319-сон қарори мазмуни ва моҳияти бўйича очиқ мулоқотлар ҳамда “Биз коррупцияга йўқ деймиз” мавзусида

давра суҳбатлари ташкил этилди. Учрашув жараёнида иштирокчиларга ОТМларига кириш синовларини шаффоф ва адолатли ўтказилиши ҳамда коррупция тушунчаси, коррупцион ҳаракатлар натижасида юзага келувчи кўнгилсиз ҳолатлар, уларнинг

олдини олиш юзасидан тўлиқ маълумотлар, тушунтиришлар берилди.



## Коррупция-тараққиётга таҳдид!

2019 йил 21 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Тахياتош тумани бўлими, Тахياتош тумани ХТБ билан биргаликда Тахياتош ижтимоий-иқтисодий ва педагогика қасб-хунар коллежида “Коррупция-тараққиётга таҳдид” мавзусида семинар ўтказилди. Семинарда 280 нафардан ортиқ бити-

рувчи курс қувчилари, 5 та умумтаълим мактабларининг 11-синф қувчилари, ўқитувчилар, оналар ва Тахياتош туманида жойлашган 22 та умумтаълим мактабларининг (1-22-сон мактаблари) психологлари ва Тахياتош тумани ХТБ бўлими мудирлари Қуёт Бекбаўлиев, Тахياتош тумани Адлия бўлими маслаҳатчиси Баҳадыр

Икметуллаев ва “Обод макон” МФЙ мутахассиси, маҳалла тарғиботчиси Диларам Раметова иштирок этди. Семинар мулоқот тарзида ўтказилди.



## ДТМ Навоий вилояти бўлимида учрашув

Давлат тест марказининг 2019 йил 4 июндаги 01-340-сон буйруғи асосида 18-19 июнь кунлари Навоий вилояти олий таълим ва халқ таълими муассасаларидан 2019/2020 ўқув йили тест синовларида гуруҳ назоратчилари сифатида жалб этилиши кутилаётган педагог ходимлар учун амалий

семинар машғулотлари ўтказилди. Ушбу амалий семинар машғулотларида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши

курашиш тизimini янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги №5729-сонли фармонининг мазмун моҳиятлари тушунтирилди.



## ДТМ Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида учрашув

2019 йил 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қорақалпоқ академик лицейининг раҳбариятининг таклифига кўра семинар ўтказилди. Семинарда 200 нафардан ортиқ лицейнинг битирувчи курс ўқувчилари иштирок этди. Семинар мулоқот тарзида ўтказилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4319-сон “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам-

да “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 395-сон қарори ва “**Коррупция-гараққийётга таҳдид**” мавзуси бўйича кенг тушунтиришлар берилди. Семинарда жорий йилда кириш тест синовларидаги янгиликлар, берилган имконият ва имтиёзлар, шунингдек, ҳужжат топширишдаги яратилган қулайликлар ва ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилди.



## ДТМ Наманган вилояти бўлимида учрашув

2019 йил 30 май куни Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси академик лицейида, лицей раҳбарияти, вилоят ИИБ ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда лицейга ўқишга кириш учун ҳужжат топширган ва дастлабки синов жараёни (тиббий кўрик ва психологик синовлар)дан

муваффақиятли ўтган 1300 нафар талабгор ўқувчиларнинг ота оналари иштирокида “Коррупцияга қарши кураш ва ИИБ академик лицейига кириш синовларини ўтказиш” бўйича учрашув бўлиб ўтди. Учрашув жараёнида лицейга кириш бўйича синовларни ўтказиш

тартиби, синовларни баҳолаш мезонлари, имтиҳонларни шаффоф ва адолатли ўтказилиши ҳамда коррупцияни олдини олиш юзасидан ота-оналарга тўлиқ маълумотлар, тушунтиришлар берилди. Шу билан бирга ота-оналарни фарзандларини ИИБ академик лицейига




## Биз коррупцияга қаршимиз, Сиз ҳам виждонингизни сотманг!

2019 йил 17 июль куни Навоий вилоятида 2019/2020 ўқув йили олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларида гуруҳ назоратчилари сифатида иштирок этиш учун тавсия этилган педагог ходимлар билан суҳбат ўтказилди. Ушбу суҳбат жараёнида қарши

курашиш бўйича алоҳида тушунтиришлар берилди. Шунингдек, гуруҳ назоратчи сифатида тавсия этилган педагог ходимларнинг ҳар биридан тилхатлар олинди. Ҳар ҳафтада Коррупцияга қарши кураш бўйича Давлат тест маркази Навоий вилояти бўлимининг расмий телеграм канали

(@dtmnavoiy)га “Коррупцияга қарши курашиш – барчамизнинг ишимиз!” номли ҳамда “**Биз коррупцияга қаршимиз, Сиз ҳам виждонингизни сотманг!**” видеороликлар жойлаштириб борилмоқда.



## ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

Тошкент шаҳри,  
Юнусобод тумани,  
Боғишамол кўчаси, 12 уй.

Телефон:  
(71) 234-72-50  
Ишонч тел:  
(71) 199-19-14  
Эл. почта:

DTM.UZ

ДТМ коррупцияга қарши  
курашиш комиссияси

ДТМ девизи:  
Адолат, шаффофлик ва  
очиқликни таъминлаш  
- бош шиоримиз!



## Хитойда коррупция учун ўлим жазоси!

Дунёда иктисодий жиноят учун, хусусан коррупция ва порахўрлик учун ўлим жазосини қўллайдиган давлатлар янада кам. Бу борада энг кўзга кўринадиган давлат Хитой, гарчи мазкур жазо тури Таиланд, Эрон, Ироқ, Покистон, Шимолий Корея, Сингапур ва бир қатор бошқа давлатларда ҳам коррупциячиларга нисбатан қўлланилади.

Хитой коррупциячиларни қатл қилиш сони бўйича дунёда етакчилик қилади. Бу мамлакатда ҳақиқатдан ҳам, дунёнинг бошқа ерида учрамайдиган жуда қаттиқ қонунлар амал қилади. Хитойнинг барча коррупциячилари уч гуруҳга бўлинишади: йўлбарслар, пашшалар ва тулкилар. Энг хавфлилари йўлбарслар ҳисобланишади – катта миқдордаги коррупцияга аралашган партиянинг йирик бошлиқлари. Пашшалар – жойлардаги майда порахўрлар, тулкилар эса – ўғирлаганларини чет элга олиб чиқиш кетишни урдасидан чиққанлар.

Йўлбарсларни табиийки қаттиқроқ жазолашади. Хитой қонунчилигига биноан, ўлим жазоси фақатгина 463 минг доллардан ортиқ пора билан ёки давлат мулкани ўғирлаш билан қўлга тушган амалдорларга нисбатан қўлланилади. Мазкур қонун 2016 йилдан бошлаб қўлланила бошлади, шундан кейин коррупция учун отилганларнинг сони кескин камайди. 2000 йилда коррупция учун Хитойда 10 мингга яқин одам ўлим жазосига ҳукм қилинган ва отилган. Ҳозирда эса шунга ўхшаш ҳукмлар санокли учрайди.

## Францияда коррупцияга қарши кураш дастури қандай ишлайди?

Францияда коррупцияга қарши кураш дастурини 500 нафар кишидан ортиқ штат бирлиги ёки муайян мулк оборотига эга ҳар қандай корхона ёки ташкилот жорий этишга мажбур. Бу дастур саккиз муҳим унсур асосида тузилиши керак. Булар:

1. Нафақат корхона, балки унинг ташқарисида ҳам ходимларнинг ман этилган хулқ-атвор кўринишларини намён этадиган, коррупция ҳаракатларининг турли шакллари аниқ белгилайдиган Хулқ-атвор Кодекси.

2. Хулқ-атвор Кодекси бузилган ҳолларда ташкилот/корхона ходимларини жавобгарликка тортиш имконини берувчи хулқ-атвор санкцияларининг

катъий тартиби

3. Ташкилот ёки корxonанинг хулқ-атвор кодексига зид бўлган хулқ-атвор ёки вазият мавжудлиги тўғрисида маълумот йиғишга ёрдам берувчи хабарчи-ходим ҳимоясини кафолатлайдиган хабар қилишнинг ички аноним яъни яширин тизими.

4. Ташкилот ёки корхона фаолияти соҳасига боғлиқ ҳолда, коррупция оид муҳим ҳатарларларини аниқлаб, таҳлил қилиб белгилайдиган мунтазам янгиланиб турадиган хатарлар картографияси

5. Мижоз ва таъминотчилар, шунингдек, воситачиларнинг эҳтимолий коррупция хавфларини баҳолаш амалиётлари.

6. Коррупция далилларини яшириш учун

бухгалтерлик китоби, реестр ва ҳисоб-китоб ёзувларидан фойдаланмаслик кафолатини таъминловчи ички ёки ташқи бухгалтерлик назорати.

7. Коррупция хавфига учраш эҳтимоли юқори бўлган ҳамда мавқейидан фойдаланиш хавфидан холи бўлмаган раҳбар ва ходимларни мунтазам равишда мажбурий ўқитиш учун ўқув режаси

8. Коррупцияга қарши курашиш дастурининг юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар бўйича ижросини ички назорат ва баҳолаш тизими.